

УДК:631.52.527.633.

**Кунгабоқарнинг янги навлариининг  
Яратилиши**

Термиз агротехнологиялар ва инновацион рвожланиш институти  
**Луков М.К, Эргашев Ж.Ш.**

**Таянч сўзлар.** Кунгабоқар, мой, нав, ҳосил селекция жараёни, кучатзорлар кетма кетлиги, ҳосил, самарадорлик..

**Аннотация.** Кунгабоқарнинг экилиб келинаётган навларга нисбатан янги навлари 20-25% гача қўшимча ҳосилдорликни таъминлайди.. Янги нав яратишнинг асосий усулларидан бири дурагайлашдир. Дурагайлаш асосида олинган янги авлоднинг иккинчи пуштидан якка танлаш йўли билан янги нав яратилган

**Долзарблиги.** Республикаиз аҳолисининг табиий тоза маҳсулотга бўлган эҳтиёжи тобора ортмоқда

Кунгабоқарнинг мағзида сметана ва мева ёғурти таркибида сақланадиган калций мавжуд. Мағзнинг витаминалар билан бойлиги одамларнинг териси юзасини мустаҳкамлайди ва кислота-ишқор балансини нормаллаштиради. Мағз Е витамини манбасига бой бўлиб, бу кўрсаткич бепуштликнинг олдини олади, жинсий потенцияни мустаҳкамлайди. Ярим стакан чақиладиган кунгабоқар эректориал витаминаларнинг кунлик меъёрига teng. Аъло даражада асабни тинчлантиришдан ташқари асаб-ичак касалликлар ва ревматизмни даволашда самаралидир. Атеросклероз, миокард инфаркти ва бошқа юрак-қон томирлар системаси, шунингдек жигар-ошқозон касалликларининг олдини олади. Д витамини манбасига эга бўлганлиги боис жигарда қопланган ёғни парчалайди. 100 г. кунгабоқар мағзидаги магний жавдар нонига нисбатан 6 марта кўп яъни 311 мг миқдорда сақланади. Чакиладиган кунгабоқарнинг 50-60 г мағзи, кунгабоқарнинг 25-30 г мойига teng. Кунгабоқар пистасининг мағзида ва мойининг таркибида ултра микроэлемент селен борлиги аниқланган. Хужайра даражасидаги антиоксидант хусусиятга эга селен туфайли одам организмида концергенли ва ўта хавфли даволаб бўлмайдиган касалликларнинг олди олинади.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-8

Кунгабоқар ўта юқори экологик пластикликка эгалиги уни турли тупроқ ва иқлим шароитга эга бўлган худудларда, жумладан шартли суғориладиган ерларда (20-23 ц/га) ва ҳатто лалмикор шароитда экиб ундан 9-11 ц/га ҳосил этишириш имкони мавжуд. Шу юқоридагиларни инобатаг олинганда кунгабоқарнинг юқори ҳосилли янги навланини яратиш **долзарб масала** хисобланади

**Материал ва методлар.** Дала тажрибалари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўкув тажриба хўжалигидаги ўтлоқи бўз тупроқли ерларда ўтказилди. Дала тажрибасида объект сифатида кунгабоқарнинг, США 111 намунаси СамҚҲИ 10-70 тизмаларининг 1 авлод уруғлигидан фойдаланилди. Дурагайлаш асосида олинган янги авлоднинг иккинчи пуштидан якка танлаш ўтказилди. Тажриба майдонида кузатиш ва таҳлиллар Бутунrossия мойли экинлар ИТИ ва Ўзбекистон ўсимликшунослик Генеик ресурслар ИТИ (2009) усулларида бажарилди.

**Тадқиқотлар натижалари.** СамҚҲИ олимлари томонидан Мойли ва чақиладиган кунгабоқарнинг янги навлари ва гетерзисли дурагайларини яратиш йўлга қўйилмоқда. Жумладан сўнги 2015-2017 йилларда мойли кунгабоқарнинг СамҚҲИ-20-80 нави яратилди.

СамҚҲИ 20-80 нави Нав тезпишар, ўсув даври (80-82 кун), ўсимлик бўйи 178-180 см, барглар сони 30 та. Ун шудринг, Занг, Ботритс, Склеротиниоз, Фузариоз касалликла-рига чидамли. Писта қобиги панцирлиги (100%), ҳосилини комбайнда йигиширига мос. Асосий ва такрорий экин сифатида ўстиришга яроқли, асосий экин сифатида 31-32 ц/га ҳосил олинади, такрорий экин сифатида 27-28 ц/га ҳосил олинади, уруғида ёғ миқдори-50,5%, протеин-19,4%, асосий экин сифатида гектаридан 7,1 млн сўм, такрорий экин сифатида ўстирилса гектарида 5,4 млн сўм соғ даромад олинади.

СамҚҲИ 20-80 нави М.К. Луков ва Т.Э.Остонақулов томонидан США-111 намунаси билан СамҚҲИ 10-70 тизмасини чатиштириб олинган дурагайнинг иккинчи авлодидан якка оиласи танлаш йўли билан яратилган.

Бу навининг яратилиши:- кунгабоқар селекция жараёнига мувофиқ: селекцион элитадан танланган типик, яхши ўсимликлар биринчи йил ўрганиш кўчатзорида баҳоланди. Бу кўчатзорда писта пўчоғининг чиқими ва панцирлиги уруғ мағзидаги мой миқдори таҳлил қилиниб, андоза (Жаҳонгир нави) га

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-8

нисбатан жуфт усулда таққосланиб баҳоланди. Бу кўчатзордан танланган энг яхши оилалар иккинчи йил ўрганиш кўчатзорида андозага нисбатан жуфт усулда таққосланиб, ҳар томонлама баҳоланди. Иккинчи йилги ўрганиш кўчатзорида, биринчи йилги кўчатзорда ўрганилганларга қўшимча равишда сохта ун шудринг, шумғия билан заарланиши аниқланди. Иккинчи йилги ўрганиш кўчатзоридан танланган энг яхши оилалар энг яхшиларини энг яхшилари билан йўнилтирилган чанглатиш ва дастлабки кўпайтириш кўчатзори (бир вақтда инфекцион майдонда) ҳар томонлама баҳоланди. Ундан кейинги ишлар нав синашларда:- дастлабки нав синашда бир йил, рақобатли нав синашда уч йил (Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўкув тажриба хўжалигига ишлаб чиқаришли нав синашда икки йил) ўрганилди. 2012 йил қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилди. 2015 йил Давлат реестрига киритилди.

**Хулоса .** 2015 йил Давлат реестрига киритилган. СамҚҲИ 20-80 навидан асосий экин сифатида 31-32 ц/га, такорий экин сифатида 27-28 ц/га ҳосил олиниди, Бу навни Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё, Наманган вилоятларида асосий ва такорий экин сифатида экиш мақсадга мувофиқ

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Абдукаримов Д.Т.Дала экинлар хусусий селекцияси Т. 2.007
- 2,Атабоева Ҳ.Н. Ўсиликшунослик Т Мехнат 2000
- 3.Ёрматова Д., Хушвактова Ҳ.Мойли экинлар Тошкент. 2009
- 4.Шопавалова Л.Г. “Влияние условий выращивания гибридных семян на их урожайные свойства». Сборник научных трудов ВНИМК. Краснодар 2003.
- 5.Гаврилова В.А.,. Анисимова И.Н //Особенности инцукта и наследования признаков/ /Подсолнечник Санкт-Петербург.2003.94-98с.
- 6.Луков М.Қ – //Два урожая семян подсолнечника в году//. Кишоварз, журн. “Земледелец” 1(41) Таджикистан. аграрн. университет. Душанбе 2008 г.